



Техник топширик  
"Фарғона вилоят Ўзбекистон туман ХТБга қарашли 18-мактаб биносини жорий таъмирлаш"

№ п/п	Асосий маълумотлар ва талаблар руйхати	Асосий маълумотларнинг мазмуни ва талаблари.
1	Сарлавха бўйича объект номи	"Фарғона вилоят Ўзбекистон туман ХТБга қарашли 18-мактаб биносини жорий таъмирлаш"
2	Қурилиш манзили	Ўзбекистон тумани Яккутут МФЙ
3	Буюртмачи	Ўзбекистон тумани ХТБ.
4	Бош пудратчи	Танлов асосида танланади.
5	Объектнинг характеристикаси	Жорий таъмирлаш
6	Тижорат таклифи такдим этиш шартлари	Хизмат курсатувчи корхонанинг низоми гувоҳномаси . солиқ банк ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиқи мавжуд бўлмаслиги керак. Қайси турдаги солиқ туловчи эканлиги ҳақида маълумотнома такдим этиши талаб этилади.балансида машина ва механизмлар, инженер ва техник ходимлар мавжуд бўлиши. Бажариладиган ишлар сифатига қанолат хати.
7	Бажариладиган ишлар бўйича ҳисоб китоб	Туловлар олдиндан 30% амалга оширилади иш бажариш муддати 10 кун. Ишлар бажарилгач тулов 100 % амалга оширилади. Форма 2 ва далолатномага асосан иш ва хизматлар қуриб чиқилади.
8	Қурилиш материалларига қўйиладиган талаблар	Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат стандартлари ва Республикаимиз ҳудудида фойдаланишга қабул қилинган бошқа халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари ва жиҳозлари.
9	Молиялаштириш манбаси	Бюджет
10	Бошланғич нарх	159 698 859 сум



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ўзбекистон туман Халқ таълими бўлими  
муdiri  
Н.Сиддикова

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги 18-мактаб биносини жорий таъмирлаш

1.2. Хизмат бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғалиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – май ойига ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Ўзбекистон туман Халқ таълими бўлими (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон тумани Зиёкор № 102- уй.

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, ҳамда юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

1) Асосий Банк ҳисоб рақамларида қарздорлик мавжуд эмаслиги ва солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида ҳудудий ДСининг маълумотномаси.

2) Ушбу фаолиятни бажариш учун гувоҳнома ёки лицензия мавжуд бўлиши

3) Қурилиш соҳасида категорияга эга бўлиши.

4) Ишларни бажариш учун балансида етарли техника ва механизмлар мавжудлиги ва малакали ишчи ходим мавжуд бўлиши.

5) Ишлар сифатли бажарилиши зарурлигини инобатга олган ҳолда ушбу соҳа бўйича иш тажрибаси 5 (беш) йилдан юқори бўлиши талаб этилади.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиikka биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар ҳамда нархни 10 фоиздан ошиқ сўғий туширилган таклифлар

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

• Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз тақлифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Тақлифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси тақлифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади